



Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!




Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 22-mart • Shanba • 39 (27.844) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!
Табиат уйғониб, боғу роғлар, дашту далалар яшил либосга бурканиб, баҳор нафаси, кўшнинг тафти тобора кучайиб бораётган шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутадиган, янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми ўзининг маъно-мазмун, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Нега деганда, Наврўз табиат очилиши, уйғониши ва янгилаши фасли бўлиб, Шарқ дунёсидаги энг қадимий, биз учун асл миллий, гоят ардоқли ва эъзозли байрамдир.

Наврўз ўзига хос бетакрор бир олам бўлиб, инсон зотини табиат билан доимо уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашга даъват этадиган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзи ва белгисидир.

Айни Наврўз фаслида барчамиз ўзимизнинг табиат фарзанди эканимизни, халқимизга хос миллий қадрият ва аънолар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканини бутун қалбимиз билан англаймиз ва беихтиёр юрагимиз гургу ва ифтихорга тўлади.

Мана шундай нурафшон лаҳзаларда, айнан баҳорга мансуб сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида халқимиз Наврўз неъматларини, байрам қувончини ўз яқинлари, ёру дўстлари билан баҳам кўради, дунёга қалбини, бағрини кенг очиб, пок ният ва орзуларини билдиради.

Мана шу файзли кунларда

одамлар маҳалла-кўй, эл-юрт билан тотув бўлиб, бир-бирига қалб кўрени бағишлаб яшашга, беморлар, етим-есирлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам ва кўмак беришга, табаррук кексаларимизнинг дуосини олишга интилади.

Бу ажойиб байрамнинг яна бир хислати шундан иборатки, у кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни унуттиш, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар келишига умид ва ишонч билан яшашга, жамиятимизни аҳиллик ва ҳамжихатликка чорлайди.

Бугун юртимиздаги барча миллият ва элат вакиллари маҳалларда, турар-жойларда бу гўзал ва дилбар айёмни ягона оила бўлиб, катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Бу эса Наврўзнинг ҳақиқатан ҳам ноёб ва бетакрор экани, одамзотни фақат эзгулик ва яхшиликка даъват этишини яққол тасдиқлайди.

Хурматли юртдошлар!
Бугун юртимизда Ёшлар йили деб ном олган 2008 йилнинг Наврўзини кутиб олар эканмиз, барчамиз баҳор айёми, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғланиб кетганини яна бир бор ҳис этамиз.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди. Айни шу кунларда фарзандларига атаб, уларнинг ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиши учун ниҳол экиб, боғ яратди.

Ҳар қандай йилнинг ҳосияти баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, биз ўз ёруғ келажакимизни авваламбор ёш оилалар, ёш авлодимиз тимсолида кўраемиз.

Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очик чеҳрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга

қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Уларнинг ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини кўриб, беихтиёр барчамизнинг кўнглимиз гурурга тўлади, тоғдек кўтарилади.

Бугун мана шу муҳташам майдонда, Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланган, юзида, кўзида қатъият ва шижоат порлаб турган сиз, азиз ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники.

Азиз дўстлар!
Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча муҳтарам меҳмонларимизни Наврўз байрами билан табриклаб, уларга юксак ҳурмат ва эътиромимизни билдиришга, узоқ-яқин қўшини ва ҳамкор хорижий дўсту биродарларимизга қизгин салом ва табрикларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Қадрли ватандошларим!
Бугун, мана шу унутилмас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз энг аввало Наврўз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлмиш заҳматқаш деҳқонларимизни кутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилақларимиз ушалсин, ҳар қайси хондонда қувончи кунлар, тўю томошалар кўпайсин!


Ҳар бир оила, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарқатсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



Она диёримизда фасллар келинчаги — баҳор кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Борлиқдаги янгилашиш, яшариш овоз ва обод Ватанимизга Наврўзи олам кириб келганидан мўжза беради. Эзгулик, муҳаббат, хайр-саховат, шафқат ва шафоат айёми қалбларга олам-олам суғур, янгидан-янги орзу-ҳаваслар бахш этади.

Юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сийҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилақлари билан Наврўз шодияналарига қадам қўймоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлолимиздан олдин Наврўз тикланди. Мустақиллик йилларида эса бу байрам изчил ривожланди, такомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиди ва эзгулик билан йўрилган янги қирралари намоён бўлди.

2-бет

Наврўз умумхалқ байрами арафасида янги ташкил топган «General Motors Uzbekistan» қўшма корхонаси «Ўзэксомарказ»да кенг жамоатчилик эътиборига «Nexia»нинг янги моделини ҳавола этди. Бу машинанинг биринчи модели Ўзбекистонда ўн икки йил давомда ишлаб чиқарилган. Ҳозир эса «Nexia»нинг такомиллаштирилган янги модели шоҳсупадан ўрин олди.

«NEXIA»нинг янги модели

Ушбу воқеага бағишланган тақдирот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Санақулов мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббусига кўра, қўшма вақт ичида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» автомобил заводининг қад рўстлаганини қайд этди. Утган давр мобайнида ушбу корхона истиқлолимизнинг улкан салоҳияти тимсолига айланди. Бугун жонажон Ўзбекистонимизнинг ва кўплаб хорижий давлатларнинг йўлларига минглаб ўзбек автомобилларини, шу жумладан, «Nexia»ни учратиш мумкин. Бу русумли автомобилга Россия, Озарбойжон, Қозоғистон, Беларусь, Молдова, Украина каби давлатларда айниқса талаб катта.



Туманга қарши янги фаралар ўрнатилган олдинги бампер катталаштирилган ҳаво ютичга эга бўлиб, у 105 от кучига эга янги двигателнинг совутилишини таъминлайди. Олдинги ва қайрилиш фаралари ягона блокка бирлаштирилган. Асосий фараларнинг шарфол линзалари автомобилга шарқона нафислик бағишлаган. Дизайнерлар автомобилнинг ишончилиги, хавфсизлиги ва энгил бошқарилишини ва айни пайтда бетакрор услубини сақлашга муваффақ бўлган.

Тез кўнларда истеъмолчилар янги, ва айни пайтда, қадрдон «Nexia»нинг янги қиёфаси ва технология хусусиятларига баҳо бериш имконига эга бўлади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

салон машинага янги кўрениши ва имкониятлар бахш этди. Янги «Nexia»нинг олдинги ва орқа бамперлари, ёритиш элементлари, хусусан, орқа ва олдинги фаралари, қайрилиш ва туманга қарши фаралар, радиатор панжалари модификация қилинган, номер пешлавахаси орқа бампердан юқхона қопқоғига қўчирилган, натижада «Nexia» автомобили кўркем ва замонавий кўренишга эга бўлди.

ЎзХДП ҳаёти

Саховатдан диллар мунаввар

Бухоро шаҳридаги вилоятларо Меҳрибонлик уйдан ҳар кун меҳмонлар аримайди. Айниқса, байрам кунлари бу маскан саховатпеша инсонлар билан гавжум бўлади.

— Бизда 67 нафар бола тарбияланади, даволанади, — дейди Меҳрибонлик уйи директори, ЎзХДП фаоли Манзура Қиличева. — Марказий асаб тизими органик касалликлари, суяк-бўғин хасталиклари билан оғриган ва етим, қаровчисиз қолган болаларнинг ёши ҳар хил, чақалоқликдан 7 яшаргача. Уларнинг соғлом бўлиб ўсишлари учун ҳамма имкониятлар яратилган. Ҳомийларимиз ҳам бизга яқин кўмақдош.

Наврўз арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши бу ерда хайрия тadbирини ўтказди. Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов болажонларни халқимизнинг сеvimли байрами билан кутлаб, уларга совға-саломлар улашди. Байрам дастурхони атрофида тўпланган болажонларга катта концерт дастури намойиш этилди.

Худди шундай тadbирни Бухоро туман партия кенгаши ҳам ўтказди. Кам таъминланган оилаларнинг болаларига байрам дастурхони ёзилиб, совғалар топширилди. Муруватдан диллар мунаввар бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган шаҳридаги Ёшлар мажмуасида вилоятнинг барча худудларидан келган илгорлар, меҳнат фахрийлари ва талаба-ёшлар жам бўлишди. Вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов вилоят ахлини баҳор, янгилашиш ва яшариш фасли, Наврўз айёми билан кутлади. Ёшлар истеъдодининг намойишига айланган байрам концертига таникли хонанда ва кулгу усталари файз-тароват киритдилар.

Қутлуғ айём нафаси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган Наврўз сайли бунёдкор гоғлар йўлида бирлашган наманганликларнинг мамнунияти ва нурили истиқболга ишончини ифодалади. Ҳукув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хунарманд ва тadbиркорлар эса байрам муносабати билан ташкил этилган кўргазмада иштирок этиб, ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

2-Ҳўжақилшқ, Поп туманининг Олмазор, Янгиҳаёт маҳаллаларидан келган Наврўз сайли иштирокчилари юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда бевосита иштирок этишгаётганидан бахтиёр эканликларини изҳор этишди.

Меҳр-оқибат, эзгулик айёмида ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларнинг

ҳолидан хабар олindi, уларга байрам совғалари улашилди.

Қутлуғ куннинг суғур ва шуқуҳи ҳар бир қишлоқда, ҳар бир маҳаллада давом этмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

3-бет



✓ **Байрам шукуҳи**

Кўкламнинг бир куни...

Наврўзбулоқ Жиззах туманидаги хушманзара, сўлим гўшалардан бири. Неча-неча йилдирки, ҳар баҳор бу ерда Наврўзи оламни нишонлаш одатга айланган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Қишнинг аёзли кунларидан сўнг кўнгилларга баҳорий ҳислар инъом этаётган ва ҳаммамиз орзиқиб кутган кўклам насимлари эса бошлаган шу кунларда Наврўзбулоқ яна ёшу кексалар билан гавжумлашди. Одамлар бир-бирларини гўзаллик ва нафосат байрами, табиатдаги яшарни ва янгиланиш айёми билан қутлаш учун бу ерга тўпландилар.

— Бу йилги баҳоримиз ҳар йилгидан ўзгача келди, — дейди неваралари қуршовида ўтирган 96 ёшли Нормейли бобо Шукуров чўққиларидан ҳали қор эриммаган, адирларда эса бой-чечаклар, чучумоллар очилиб ётган тоғларга ўйчан боқаркан. — Кўп Наврўзларни кўрдим. Қадимий байрамимиз тақиблаб кўйилган даврларнинг ҳам гувоҳи бўлганман. Мўйсафид бир инсон сифатида Истиқлол тўфайли сеvimли ва суюкли Наврўзимизнинг қадри янада баян бўлганлигидан хурсанд-

ман. Шундай кунларга етказганига шукур.

Туманда умумхалқ байрами — Наврўзга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Жойларда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугунча ҳар қайси оила ҳисобига 5 тулдан мевали, 10 тулдан манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, 15 тулдан турфа хил гуллар экилди. Ҳовли-жойлар, кўча ва хиёбонлар тозаланди, юзлаб гектар боғ-роғлар, ўнлаб гектарда гулу гул-

зорлар барпо этилди.

Ўтган йилни меҳнатда ажойиб ютуқлар билан якунлаган, янги йилга яхши умидлар, катта ниятлар билан қадам қўйган жижиз-захликларнинг қайфиятлари чоғ, юз-кўзларда ҳаётларидан масрурлик, турмушларидан мамнунлик ифодалари барқ уриб турибди. Бир томонда миллий халқ ўйинлари, лапарлар авжига чиққан бўлса, бошқа томонда кураш тушаётган болакайларнинг шодон кўйқирқилари қир-адирлар узра таралади. Дошқозонларда ҳалиму сумалак сингари баҳорий тансиқ таомлар тайёрланмоқда.

— Кўкламнинг бир куни йилни боқади, деган гапни эшитганимиз, — дейди фермер хужалиги раҳбари Хусниддин Товбоев. — Бунинг маъносини биз, деҳқонлар жуда яхши биламиз. Шунинг учун ҳам кўкламнинг бугунгидай ҳар куни, ҳар

соатини қадраймиз. Фалламизни парваришлаш, ерларимизни чигит экишга тайёрлаш, боғ-роғларимизга ишлов бериш пайти ҳозир. Сизга айтсам, ҳеч қайси деҳқон бундай паллани бой беришни истамайди. Бугун энди байрам. Шундай бўлса, кейинроқ ҳали далага боришни кўнглимга тугиб қўйганман.

... Чор-атрофда ажиб бир гўзаллик. Дов-дарахтлар, далаю қўрларда баҳорий ўйғониш, ороланиш. Табиатдаги бундай ўзгаришлар, янгиланишлар, яшаришлар кўнгилларга ҳам кўчаётгандай. Одамлар тотув, иноқ, ёшу қари бир-бирларига меҳрибон, ширинсўз. Бейхитёр Навоий ҳазратлари айтган тилаклар дилдан тилга кўчади:

— «Ҳар кунинг ўлсун Наврўз»,
Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Андижонда ҳам Наврўзи олам ўзгача шукуҳ билан байрам қилинмоқда. Вилоят марказидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғидаги амфитеатрда Наврўз айёми зўр кўтаринкилик, шоду хурамлик билан нишонланди. Тадбирда нафақат андижонликлар, балки қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар ҳам иштирок

этишти. Театрлаштирилган томошалар, баҳор, Наврўз, Ватан ҳақидаги кўй-қўшиқлар, шеър рақслар, терма ва лапарлар иштирокчиларнинг кўнгилларини хушнуд этди.

Байрам арафасида қатор янги меъморий кўринишдаги иморатлар, равон йўллар фойдаланишга топширилди. Бир неча йиллардан буён «Андижонни кўркам ва обод

диёрга айлантирайлик!» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Танталар вилоятнинг шаҳар ҳамда туманлари, маданият ва истироҳат боғларида, ташкилот ва хонадонларда давом этмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✓ **Миллий қадриятларимиз**

Даври шона ёки...

Наврўз кунлари Сурхондарёда қадим удумларимиздан бири — даври шона кенг нишонланган. У мустақиллик тўфайли ажойиб тантана сифатида қайта жонланди.

— Миллий удумларимиздан даври шона ёки дарвешона ўзига хос маросим бўлиб, аслида қут-барака, тинчлик-осудалик, серхосил экин бўлиши, чор-

ванинг баракали келишини кўзлаб, айни шу кунларда ўтказилган, — дейди шоир Искандар Музаффарзода. — Уни нишонлаш учун оқсоқоллар халқдан пул йиғади. Бунга ҳар бир киши баҳрли қудрат ўз улушини қўшади. Бозор-учар қилинган, дарё бўйи, қир ва адирларда халқ йиғилади. Жонлик сўйилиб, овқатлар тайёрланади. Бу тад-

бирга кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, кексалар ҳам тақлиф этилади.

— Бу удумнинг даври шона дейилишида ҳам ўзига хослик бор, — дейди 72 ёшли Тоҳир ота Муродов. — Байрам борлиқ, айни ўйғонган, дов-дарахтлар шоналай бошлаган даврга тўғри келса, иккинчидан, деҳқон даласига, чорвадор қир-адирга отланади.

Дарвешона эса фақирларнинг кўнглини олиш, мурувват кўрсатиш, дийдордир. Маросим сўнггида йиғилганлар юрт тинчлиги, мамлакат ободлиги учун дуога қўл очишади. Демак, ҳар иккисида ҳам яхшлик, эзулик, меҳр-оқибат муҳассам.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



**Халқимизнинг ардоқли байрами,
ўйғониш ва нафосат
айёми — Наврўзи олам билан
мамлакатимизнинг барча
фуқароларини, шунингдек,
бунёдкор қурувчиларини
самимий муборакбод этамиз.**

**Истагимиз мустақиллигимизнинг
бу йилги баҳори ҳам
барчамизга куч-гайрат, ризқ-рўз,
омад олиб келсин.**



**Биз қўраётган иншоотлар,
шинам турар жой,
замонавий билим даргоҳларини
халқимизга, келажакимиз бўлган
ёшларга хизмат қилаверемиз!
БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚУРУВЧИЛАРИ.**



Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

**Муқаддас юртимиз аҳлини меҳр-мурувват рамзи —
Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади.**

**Азизлар, хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, қалбингиздан
қувонч, дастурхонингиздан қут-барака аримасин.**

**Юртимизда тинчлик-осойишталик,
оилангизда фаровонлик доимо ҳукмрон бўлсин.**

«ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ» ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ ААН ФОЙДАЛЛАНИШНИ ТАЪСИЯ ЭТАДИ.

Бунда Сиз:

- Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
- Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
- Дори-дармонлар сотиб олиш ва даволаниш;
- Ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-ҳашак харид қилиш;
- Республикада ишлаб чиқарилаётган уй-рузғор буюмларини харид қилиш имконияти ва қулайликларга эга буласиз.



**Оилангиз банки хизматлари эвазига
турмуш фаровонлигингизни оширинг!**

Кўнгул изҳори



Тозарар ниётлар, тозаради дил

Бойчечак гуллаган ардоғларимдан, Кўз очган қуртакнинг қароғларидан, Лаб очган гунчанинг япроғларидан Тугилгансан Наврўзи олам!

Жон қиради энди майса танига, Гул сочилар энди кўркам Ватанда, Рух қиргандай қаранг ҳар битта жонда, Сен келибон Наврўзи олам.

Яшариб боради бу турфа дунё, Ошуфта ишқ учун куйлайди маъво, Ихҳори фалакдан лиммо-лим ҳаво, Келганидан Наврўзи олам.

Қуту баракага қўл очаркан эл, Ниётидай қутлуғ келар янги йил, Тозарар ниётлар, тозаради дил, Сен келибон Наврўзи олам.

Гулга айланади Ватан ва Кўнгул, Гулга айланади борлиқлар буткул, Ҳар бир кунимиздан гул унсин-о гул, Наврўзим, Наврўзим, Наврўзим!!!

Майрам ШАРОПОВА

Фараҳбахш фасл

Йилбошининг келиши

узок кутилади, интиқ кутилади, соғиниб кутилади! Кетишини эса...

— Билмай қоламиз болам, — дейди етмишдан ўтган бўлса-да, ҳамон тоғли Ургутнинг сув чиқмас ерларини обод қилиб чарчаётган Роҳатой момо Аҳмедова. — Йилбоши ўз номи билан йилбоши-да. Қадимда бу кунни одамлар кўзи тўрт бўлиб қуттишарди. Одамни айтасиз, дунёдаги бори жонзоту ҳатто дов-дарахтгача Наврўз арафасида уйғонади ахир, жон қира бошлайди...

Момомиз муборак Наврўзи оламининг халқ орасида ҳамон авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўлан-лапарларини хиргойи қила бошлайди:

Хай-хай ўлан, жон ўлан, Кутлуғ айёмга алёр. Гулга кўмилсин Ватан, Наврўз бизга мангу ёр.

Хай-хай ёру, хай ёр-ёр, Кетиб қолмагин, Баҳор. Эриб кетди энди бор, Сенга айтар сўзим бор.

Йилбошим-а, Йилбошим, Мингларга етган ёшинг...

Қизик, ҳар йили шундай бўлади. Қиш сал қаҳрига олса, илик ва қуёшли кунларнинг қадрига ета бошлаймиз. Айниса, бу йилги қутилмаган қаҳратон қолган уч фаслнинг бизлар учун нақадар азиз ва батақор эканигини кўрсатиб қўйди. Аввалги йиллари ҳатто январда ҳовлисига дошқозон осиб, сумалак пиширганлар бу гал доғда қолишгани рост. Албатта, ҳар фаслнинг ўзига хос зийнатию фазилати борлигига яна бир бор иқроқ бўлдиқ. Шу боис ҳам Наврўзнинг келишини жуда интизорлик билан кутдиқ. Кетишини эса... Роҳатой аямиз алоҳида ургу бериб айтганларидек, билмай ҳам қоламиз.

Бугун эса тупроғи олтину зарлардан қадрлироқ бўлмиш юртимиз остонасидан муборак ЯНГИ КҮН, ЙИЛБОШИ ўзининг қутлуғ қадамлари билан ҳатлаётди. Унинг ҳар қадамида Яратувчанлик, Бунёдкорлик, Гузаллик ва Нафосат кўради, гуллайди.

...Чироқчининг Жар қишлоғида умргузронлик қилаётган, ўтган асрнинг 70-йилларида Марказий Осиёда доғруғ қозонган, мамлакатимиз полвонлари орасида миллий кураш бўйича биринчи



спорт устаси сифатида эътироф этилган Қаландар полвон ҳар йили Наврўз оқшомида ўз шогирду маҳалладошларини йилги, эл-улусга катта дошқозонда сумалак пишириб тарқатади.

Полвоннинг ҳикояси:

— Эс-эс биламан, отамиз раҳматлик катта тепалик устида ўтказилмаган Йилбоши байрамига бизларнинг олиб борарди. Кичикроқ кураш, кўпариям бўларди. Биров бир кило бугдойми, биттаси ярим кило қандми, бирор коса сумалакми, пишириқми, хуллас, ким нима топса, ўртага ташларди. Энди ўйласам, ўша маҳаллари одамлар жуда камбағал бўлсалар-да, лекин ўзларининг энг яхши кўрган байрами — Йилбошини кутиб олиш учун топганини аямас эканлар. Энди қаранг, Наврўз чинакамига халқ сайлига айланади кетди. Ҳар ша-

ҳару қишлоқда бир-бирига ўхшамайдиган урф-одатлар, сайил-томошаларни кўриб, озодлиқнинг нақадар улуглигини англаб етасан киши. Менам қўлимдан келганича ўн беш йиллар бўлди-ёе, танилган-танилмаган

ларимиз намойишига гувоҳ бўласиз... Дарвоқе, «Отақул Умаров» номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудига борсак, худди шундай тантана устидан чиқдик. ЎзХДПнинг фаол аъзоларидан бири Отақул ака Холдороннинг айтишича, кейинги ўн олти йилдан бери Вали қишлоғида айнан Йилбоши кунига бағишлаб, сумалак ва бошқа таомлар тайёрлаш ҳамда кўпария ўтказиш одатга айланиб қолди. Яна бир қувончли жиҳати, Наврўз кунларида тўй-тантаналарини ўтказмаган, дейдиганлар ҳам ниҳоятда кўп экан. «Бугун Соҳибжон деган болакайнинг отаси Шерзод Исроиловнинг омади чоғди. Бир ойдан бери тўй қиламан деганлар ўртасида қуръа ташлаб овоза бўлдиқ. Ниҳоят, «Наврўз тўйи» деб ёзилган чек Шерзодга чиқди. Шундай улуг кунда тўй бериш ҳаммага насиб қилсин. Илоё, элимизга Янги йилимиз хайр-баракали келсин. Қани энди кўпарига марҳамат!» — дея Отақул Холдорон чавандозлар даврасига кириб кетди...

Пайриқанда эса бу йилги Наврўз айёми ўзгачароқ руҳда ўтаётди. Яъни чин маънода халқ сайлига айланган байрам туман миқёсида маҳаллау қишлоқларга кўчибди. — Тасаввур қилинг, бизнинг ҳудудимиз дунёдаги кичикроқ давлатлар ҳудудидан каттароқ ва икки юз мингдан кўпроқ одамни бир жойга тўплаб тантана қилиш мумкин, — дейди туман ҳокими Шохимардон ҒУЛОМОВ. — Шунинг учун қутлуғ кун арафасида барча ҳудудлар аҳли билан ўзаро маслаҳатлашиб, бу қадимий байрамни ўз руҳига мос равишда ҳар бир қишлоқда нишонлайдиган бўлдиқ. Бугун туманинг исталган жойига боринг, ажойиб удум-

ЙИЛБОШИ юртимизнинг тўрт бурчага ўзининг муборак сепини ёя бошлаётди. Жанубда ўриқлар аллақачон гуллари тўкаётган шу фараҳли лаҳзаларда Шимол — Амударё бўйлари — Қорақалпоғистону Хоразмда дарахтлар энди қуртак ёзмақда. Водийда эса ўзгача насимлар эсаётди. Чустлик фидойи инсон Дағарали ака Соатовнинг таъбири билан айтганда, «Олтин кўзда пишган олмасини бу олма пишигича етказадиган Ўзбек эрта баҳорда кўкарган бойчечакни меҳр билан пешонасига суртишидан тортиб, юздан ошган отахону онахонларнинг сумалак солинаётган қозон бошида «Наврўзга етказганиннга шукур, Худойим!» дея шуқрона айтаётганининг ўзи бир ҳикмат ва халқимизнинг улуглигиндан нишон». Қадамларингга ҳасанот, Йилбоши, Қадамларингга гуллар очилсин, Наврўз!

Норқобил ЖАЛИЛ

Мактабда байрам кечаси

Халқимиз азал-азалдан Наврўзни тинчлик, бунёдкорлик, яратиш ва янгиланиш, хайр-саховат байрами сифатида ҳадрайди. Айём арафасида кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжмандларга мададкор бўлиш халқимизнинг энг улуг фазилатларидан ҳисобланади. Кунни кеча пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 21-мактабда ўтказилган байрам тадбири шундай руҳда ўтди. Уқувчи-

лар Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, мамлакатимизда бу байрам қанчалик севиб, ардоқлаб нишонланиши, дошқозонларда сумалаклар пиширилиши тўғрисида билган-ўрганларини саҳна кўринишлари ва куй-қўшиқларда ифодалашди. Мактаб директори Нурмуҳаммад Аҳмедов гузаллик ва нафосат айёми барча хонадонларга қут-барақа, тўкин-сочинлик олиб келишини ва келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни билимли, етук кадр-

лар қилиб тарбиялашдек машаққатли ва шарафли ишларда ўқитувчиларга муваффақият тилади. Байрамда энг аълочи, намунали хулқи билан ўзини кўрсатган ва кам таъминланган оила фарзандларига «Фалак нури» ногиронларни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан байрам совғалари топширилди. Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Кўклам кўркидан битиклар

Дунё самари — бизлар

Уйимиз олдидан икки туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади: бирим чиройли, бирим чиройли... Икки ёшли набирам Наврўзбекини (у Наврўз кунини туғилган) етаклаб эшикдан чиқётган эдим, ўғлим сўради: — Йўл бўлсин, дада? — Кўчага, қара, ўриқлар чаппор гуллабди, кўриб келамиз... Набирамга дадасининг ўшанда мени «дада» дегани ё «ғалати» туюлди, ё илк бор эшитаетганиданми, ҳайрон бўлиб қолди... Бола-бола-да, гузалликка ошуфта... Бир пайт у ўриқнинг ерга яқин эгилган шохидида новдана гунчаларини тортиқлай бошлади. Мен эса жон ҳолатда «Тегма!» деб юбордим қаттиқ овозда. Овозим баландроқ чиқди шекилли, у маюсланди. Шу чоқ ташқарига ўғлим чиқиб қолиб, набирам чопқиллаб унинг қучоғига отилди.

— Ада, ада, сижо адайиз мени уйишти, мени уйишти... — рostaкамига ййглаб, чақушга тушди у... Уғлим иккимиз аввалига қулишдик, кейин Аллоҳга шуқрона айтдик: «Ўзингга шукур, шу кунларга етказдинг...» Тўғриси, ўшанда гоят бахтиёр сездим ўзимни... Набиралар кўриб, уларнинг ҳали мурғакки-на, гардсиз қалби ва эндигина ниш ураётган онги-тафакхури ифодасини қулдираган тилчалари билан баён этишларини эшитганлар бор, эшитмаганлар бор... Едимга ҳазрат Умар Ҳайёмнинг инсон шаънини улуглаб битган бетимсол сатрлари келди: Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз, Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз. Тўғрақ жаҳонни узук деб билсак, Шақсиз, унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Сабзага авайлаб оёқ қўй...

Сиеғи айиқ сифат бир киши лапанглаб келди-да, ариқ бўйига чўкди. Утирган жойида тақа қоқилган бесўнақай пойабзали пошнаси билан ўт-ўланларни тепкилаб, эзгилай бошлади. Кўклам эпкинлари билан эндигина ниш ура бошлаган кўкатлар топталиб, таналаридан оққан шира кўз ёшларидек ялтираб, сўнгра сўлиб, қорайиб қолди. Кўкатлар-ку кўкатлар, ҳатто улар униб чиққан тупроқ ҳам тақали пошна остида

ингрангандек туюлди гўё... Назимда, гузалликка бефарқ, бефаҳм, бефаросат одамнинг бу вақоҳатидан она замин ўшанда устод лутфи билан фарёд қилгандек бўлди: Ариқ лабидидаги ҳар гиеҳ қўкат — Малакдай гузалнинг юзидидаги хат. Бу сабза — лоладек юзлар тупроғи, Сабзага авайлаб оёқ қўй гоат.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Advertisement for TRAST BANK featuring a dolphin logo and text: «ТРАСТБАНК» жамоаси. Юртдошларимизни янгилиниш ва яшариш байрами — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Бу азиз айёмда сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, оилавий фаровонлик тилаймиз. Фаровон ҳаёт, эл-юртимиз тинчлиги ва равнақи ўйидаги барча эзгу ишларингиз бароридан келсин.

Advertisement for «Самарқанддонмахсулотлари» featuring a large pink flower and text: «Самарқанддонмахсулотлари» оқиқ акциядорлик жамияти жамоаси. Халқимизни энг қадимий айём, яшариш, янгилиниш фасли, эзгулик, меҳр-оқибат, яхшилик байрами — Наврўзи Олам билан самимий муборакбод этади. Хонадонингиздан файз-барақа, тўкин-сочинлик аримасин азиз юртдошлар!

Table of contents for the newspaper 'O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi'. It lists various sections and their page numbers: Bosh Muharrir: Safar OSTONOV; Tahrir Hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Turobjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Norqobil JALIL; Muassis: O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi; Bo'limlar: Partiya hayoti (233-10-13), Madaniyat va sport (233-69-45, 233-21-43), Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot (233-20-36, 233-44-55), Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot (233-12-56), Mas'ul kotib (233-72-83, 236-55-17), Reklama va e'lonlar (233-38-55, 233-47-80); Viloyat muxbirlari: Andijonda (25-32-70), Buxoroda (222-10-92), Gulistonda (25-22-32), Jizzaxda (5-49-85), Navoiyda (223-83-73), Namanganda (6-43-43), Nukusda (222-70-15), Samarqandda (35-20-54), Urganchda (226-51-35), Farg'onada (26-43-62), Denovda (8-37641-23-780); Manzilimiz: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz; Navbatchi: Ma'murjon PARIPIYEV; Gazeta: O'zbekiston ovozi'ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV; «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 249. 15651 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari. O'zA yakuni — 15.45. Topshirilgan vaqti — 18.15. 1 2 3 4 5 6 7. Sotuvda erkin narxda.